

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019. Fil.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

МУМИНОВА ДИЛШОДАХОН АБДУВАХИТОВНА

ИНГЛИЗ, РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА
НОН МАҲСУЛОТЛАРИ ТЕХНОЛОГИЯСИ
ТЕРМИНЛАРИНИНГ ЛИСОНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик
ва таржимашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on
Philological Sciences**

Муминова Дилшодахон Абдувахитовна

Инглиз, рус ва ўзбек тилларида нон маҳсулотлари технологияси
терминларининг лисоний хусусиятлари 3

Муминова Дилшодахон Абдувахитовна

Лингвистические особенности терминов технологии хлебных
продуктов в английском, русском и узбекском языках..... 25

Muminova Dilshodakhon Abduvakhitovna

Linguistic Peculiarities of Bread Making Technology Terms in the English,
Russian and Uzbek languages 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 51

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019. Fil.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

МУМИНОВА ДИЛШОДАХОН АБДУВАХИТОВНА

**ИНГЛИЗ, РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА
НОН МАҲСУЛОТЛАРИ ТЕХНОЛОГИЯСИ
ТЕРМИНЛАРИНИНГ ЛИСОНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик
ва таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №.B2019.2.PhD/Fil.874 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон халқаро ислом академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий Кенгашнинг веб-саҳифасида (www.nuu.md.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар

Маматов Абди Эшонқулович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Саъдуллаева Нилуфар Азимовна
филология фанлари доктори, доцент

Тухтаходжаева Наргиза Акмаловна
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етақчи ташкилот:

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 рақамли Илмий Кенгашнинг «___»_____ 2021 йил соат ___даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 700174, Тошкент, Форобий кўчаси, 400 уй. Тел.: (+99871) 240-08-62; (+99871)227-10-59; факс: (+99871)246-65-24; e-mail: nauka@nuu.uz

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 700174, Тошкент шаҳри, Форобий кўчаси, 400 уй. Тел.: (+99871)240-08-62.

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____куни тарқатилди.

(2021 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

А.Г. Шереметьева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Н.Э. Абдуллаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

И.А. Сиддикова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон амалий тилшунослиги илмий мактабларида терминологияни янги парадигмалар доирасида тадқиқ этиш, терминологик ва лексик бирликларни тизимлаштириш ва тартибга солиш масалалари кун тартибига қўйилган. Тил ва жамиятнинг узвий боғлиқлиги, уларнинг динамик ва тўхтовсиз ўзгаришларга учраши, қолаверса, соҳага янги термин ва лексемаларнинг мунтазам ўзлаштирилиши натижасида кенг қўлланилиши тилшунослик соҳасида амалий аҳамиятга эга бўлган тадқиқотларни олиб бориш муҳим эканлигини кўрсатади. Бу борада нон маҳсулотлари технологиясига оид луғавий бирликларнинг ифода имкониятлари ва лексик-семантик хусусиятларини янги методологик тамойиллар ва замонавий мезонлар асосида ёритиб бериш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дунё тилшунослигида нон маҳсулотлари технологиясига оид термин ва лексемаларнинг инглиз, рус ва ўзбек тиллари кесимида қиёсий-типологик таҳлил қилиш мазкур тилларнинг ривожланишига таъсир этувчи ижтимоий омилларни ҳамда уч тил терминологиясининг фарқли ва ўхшаш хусусиятларини аниқлаш имконини бермоқда. Мазкур соҳада илмий-тадқиқотлар самарадорлигининг ошиши, олинган натижаларнинг амалиётга кенг тадқиқ этилишида ўсиш динамикасини кузатиш мумкин. Хусусан, дунёнинг кўплаб таълим муассасаларида терминологиянинг структур-семантик хусусиятларини очиб бериш, адабий тил лексикасини тилшуносликнинг сўнгги ютуқларига асосан илмий тадқиқ қилиш заруратга айланмоқда.

Мамлакатимизнинг сўнгги йилларда дунё ҳамжамиятига интеграллашуви ўзбек тилшунослигида терминларнинг таҳлили ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашга қаратилган илмий изланишларни амалга оширилишига сабаб бўлмоқда. Тараққиёт тамойилларига асосланган ҳолда «...илмий тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ҳамда инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш»¹га бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб, ҳозирги кунда турли тизимли тилларда нон маҳсулотлари технологияси терминологиясининг лексик-семантик ва лингвوماданий хусусиятларини янги методологик тамойиллар ва замонавий мезонлар асосида илмий тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги 610-сон «Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – 6-сон. 70-модда.

вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Инглиз ва бошқа хорижий тилшуносликларда² ҳамда рус тилшунослигида³ умумий ва хусусий терминология бўйича бир қатор тадқиқотлар олиб борилган.

Ўзбек тилшунослигида терминология масалалари Ҳ.Дадабоев, И.Х.Садикова, С.Х.Нурматова, О.Турсунова, П.П.Нишонов, О.С.Ахмедов, Д.Х.Кадирбекова, Ҳ.В.Мирзахмедова, С.Т.Мустафаева, Д.С. Саидқодирова ва Д.И.Ходжаевалар тадқиқотларида ўз аксини топган⁴. Бу тадқиқотларда касб-хунар ва соҳавий терминологияни ўрганиш кенг оммалашган анъанавий тилшунослик методлари асосида амалга оширилган.

Бинобарин, М.Т.Кебри терминологиянинг назарий муаммолари ва уни тадқиқ қилиш методлари ҳақида фикр юритган бўлса, Б.Хелми терминологиянинг миллатлараро ва маданиятлараро мулоқотдаги ўрни ҳақида

² Yazid A.I. Towards an interest-based approach to terminological competence acquisition. PhD dissertation. – Ohio: Kent State University, 2017; Cabre M.T. Terminology: Theory, Methods and Applications / Ed. Juan C. Sager / - Amsterdam: Benjamins, 1998; Helmi B., Loening K., Terminology: applications in disciplinary communication. – John Benjamins Publishing Company, 1993; Giaber J.M. Translating derivational suffixes in linguistic terminology from English into Arabic. PhD dissertation. – University of Edinburgh, 1999; Wright S.E., Budin G., Handbook of terminology management. – Amsterdam: John Benjamins Publishing Company, 2001.–564 p.

³ Антиминова В.В. Лексико-семантические и деривационные характеристики русской лингвистической терминологии: Дисс. ... канд. филол. наук – Краснодар, 2011; Гатаулина В.И. Английская терминология в диахроническом освещении: Дисс. ... канд. филол. наук – Л., 1989; Колесникова Е.А. К проблеме становления русской лингвистической терминологии (вторая половина XVIII – первая треть XX вв.): лексикографический и лексикографический аспекты. Дисс. ... канд. филол. наук – Красноярск, 2011; Кулакова И.С., Салмина Д.С. Введение в металингвистику (системный, лексикографический и коммуникативно-прагматический аспекты лингвистической терминологии). – СПб.: САГА, 2002; Лантюхова Н.Н., Загорская О.В., Литвинова Т.А. Термин: определение понятия и его существенные признаки. – Вестник Воронежского института ГПС МЧС России // Выпуск 1 (6), 2013; Петросянц Э.Г. Лингвистическое терминопле: структура, семантика, деривация. – Пятигорск, 2004; Уткина Л.Н. Функциональные аспекты лингвистической терминологии в разных подходах к изучению языка: Автореф. Дисс. ... канд. филол. наук – М., 2001.

⁴ Дадабоев Х. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI-XIV вв. – Ташкент: Ёзувчи, 1991. – 186 с.; Садыкова И.Х. Принципы составления англо-русско-узбекского учебного словаря юридических терминов: Дисс. ... канд. филол. наук – Т., 1998; Нурматова С.Х. Истоки формирования и функционирование астроавиакосмической терминологии в лексике английского, русского и узбекского языков: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук – Т., 2000; Турсунова О. Ўзбек давлатчилиги тарихида қўлланган ҳуқуқий терминларнинг лисоний таҳлили: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Т., 2007; Нишонов П.П. Француз ва ўзбек тиллари юридик терминологиясининг қиёсий-типология тадқиқи: Филол. фан. номз.дисс. автореф. – Т., 2009; Ахмедов О.С. Инглиз ва ўзбек тилларида солиқ-божхона терминларининг лингвистик таҳлили ва таржиима муаммолари: Филол. фан. д-ри дисс. – Т., 2016; Кадирбекова Д.Х. Инглизча-ўзбекча ахборот-коммуникация технологиялари терминологияси ва унинг лексикографик хусусиятлари: Фалсафа доктори. дисс. автореф. – Т., 2017; Мирзахмедова Ҳ.В. Форс тили транспорт терминларининг структур катламлари ва ясаиш усуллари: Фалсафа доктори. дисс. автореф. – Т., 2017; Мустафаева С.Т. Хитой тилшунослик терминологияси: Фалсафа доктори. дисс. автореф. – Т., 2017; Саидқодирова Д.С. Инглиз ва ўзбек тилларида интернет терминларининг лингвистик тадқиқи. Фалсафа доктори. дисс. автореф. – Т., 2018.; Ходжаева Д.И. Тилшунослик терминларининг лексикографик таҳлили (инглиз, рус ва ўзбек тиллари изоҳли луғатлари материаллари мисолида): Фалсафа доктори. дисс. автореф. – Т., 2018.

муносабатини билдирган. В.И.Гатаулина инглиз терминологиясини диахроник жиҳатдан тадқиқ қилган бўлса, Л.Н.Уткина тил ўрганиш жараёнида лингвистик терминларнинг функционал аспектларига эътибор қаратган.

Ўзбек тилшунослигида О.Ахмедов инглиз ва ўзбек тилларидаги солиқ ва божхона терминларининг таржима қилиниши масалаларини, П.Нишонوف француз ва ўзбек тилларидаги юридик терминларнинг лингвистик хусусиятларини, Д.Кадирбекова ахборот-коммуникация технологиялари терминларининг инглиз ва ўзбек тилларидаги лисоний хусусиятларини асослаган бўлса, Д.Саидқодирова инглиз ва ўзбек тиллари интернет терминларини тадқиқ қилган. Д.Ходжаева инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги тилшунослик терминларининг лексикографик таҳлилин амалга оширган, Х.Мирзахмедова эса форс тили транспорт терминлари ясалиш усулларини аниқлаган.

Аммо тилшунослигимизда нон маҳсулотлари технологияси терминлари яхлит бир система сифатида турли тизимли тилларда қиёсий аспектда махсус ўрганилмаган ва бу муаммо ўз ечимини кутаётган соҳалардандир, шунинг учун ҳам ушбу мавзу монографик планда илмий жиҳатдан ўрганишни тақозо этмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон халқаро ислом академияси илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №И-245/11 «Докторантлар, мустақил изланувчилар ва талабалар ўртасида олиб борилаётган илмий-тадқиқот, илмий-ижодий ишлар» илмий лойиҳасининг «Тилшунослик ва таржимашуносликнинг долзарб масалалари» мавзуси доирасида бажарилган

Тадқиқотнинг мақсади нон маҳсулотлари технологияси терминологиясининг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини инглиз, рус ва ўзбек тиллари мисолида очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги нон маҳсулотлари технологияси терминларининг функционал-семантик хусусиятларини ўрганиш;

нон маҳсулотлари технологияси терминологиясининг манбаларини аниқлаш;

инглиз, рус ва ўзбек тилларида нон маҳсулотлари терминларининг миллий-маданий ўзига хослигини ёритиш;

чоғиштирилаётган тилларда ушбу терминологик тизим бирликларига хос мотивлашганликни аниқлаш;

нон маҳсулотлари технологияси терминологиясида асосий лексик-семантик гуруҳларни қисмларга ажратиб ўрганиш ҳамда уларнинг синонимик, антонимик ва омонимик хусусиятларини очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида нон маҳсулотлари технологияси терминологияси танланган.

Тадқиқотнинг предметини инглиз, рус ва ўзбек тиллари нон маҳсулотлари технологияси терминларининг лексик-семантик ва лингвомаданий хусусиятлари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида ономазиологик таҳлил, компонент таҳлил, қиёсий-чоғиштирма, тавсифлаш ҳамда кузатиш усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги нон маҳсулотлари технологияси терминологиясини диахрон аспектда этимологик хусусиятларини аниқлаш орқали терминларнинг мотивлашмаган ва қисман мотивлашган шаклли моделлари ишлаб чиқилган;

инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги нон маҳсулотлари технологияси терминларининг оламнинг лисоний манзарасини яратишдаги таркибий тузилиши тил вакилларининг миллий, этник, тарихий, идеологик қарашларига асосланганлиги далилланган;

нон маҳсулотлари технологияси терминларининг семантик ва синтактик мотивлашганлиги, маъно кенгайиши, маъно торайиши, метафора ва метонимия асосида юзага келиши, терминлараро синонимия, антонимия ҳамда омонимия каби лисоний хусусиятлари аниқланган;

нон маҳсулотлари технологияси терминларини нон ёпиш саноати асбоб-ускуналари, хомашё, яримфабрикат ва тайёр маҳсулотлар хоссалари, нон пишириш жараёнларидаги чиқим ва нуқсонларни атовчи терминлар каби лексик-семантик гуруҳларга ажратиш орқали терминларнинг содда туб, содда ясама, қўшма ва бирикма терминлар тарзида ифодаланиши очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

нон ёпиш саноати маҳсулотининг биринчи даражали аҳамияти нон маҳсулотлари технологияси терминларини лингвоўлкашуносликнинг миллий-маданий компоненти сифатида ўрганиш, талабалар ўзининг бўлажак мутахассисликларига нисбатан инсоний муносабатларини шакллантириши аниқланган;

нофилологик олий ўқув муассасалари талабалари учун ихтисослик бўйича дарслик ва ўқув қўлланмаларни, лексик минимум ҳамда бир, икки тилли ўқув терминологик луғатларни тузишда, инглиз, рус ва ўзбек тиллари лексикологияси бўйича маъруза матнларни тайёрлашда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган тадқиқот усуллари ва илмий-назарий маълумотларнинг аниқ, илмий манбаларга таянилганлиги, келтирилган таҳлил ҳамда натижаларининг асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти термин яшаш қонуниятларини аниқлаш ва тушуниш, формал структуранинг бирлик томонидан ифода қилинаётган мазмунга боғлиқ равишда хусусиятларини ўрганиш, номинациянинг терминологик бирликлари ўртасидаги мавжуд алоқалар ва муносабатларни, хусусан, синонимия, антонимия ва омонимия муносабатларини ўрганиш –

буларнинг ҳаммаси терминологияни тартибга солиш ва стандартлаштириш ишида катта аҳамиятга эга эканлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти технологик йўналишдаги олий ўқув юргларида амалий дарслар, жумладан, нон маҳсулотлари технологияси терминларини ўргатишда, университетларнинг филологик факультетларида «Лексикология», «Сўз ясалиши», «Терминология асослари» каби фанлар бўйича ўқув адабиётлари, ўқув-услубий мажмуалар тайёрлашда, шунингдек, магистрлик ва докторлик диссертацияларини ёзишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инглиз, рус ва ўзбек тилларида нон маҳсулотлари технологияси терминологиясини қиёсий чоғиштирма планда ўрганиш асосида:

нон маҳсулотлари технологияси терминларининг хомашёларни ифодаланиши билан боғлиқ изоҳлардан АМ-ФЗ-2019081448-рақамли «Маҳаллий хом ашёлардан оқилона фойдаланиб, глютенсиз нон-булка маҳсулотлари тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқиш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш чикитларидан оқилона фойдаланиш» мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта-маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 24 ноябрдаги 89-03-4914-сон маълумотномаси). Натижада инглиз, рус ва ўзбек тилларида нон маҳсулотлари технологияси терминларининг умумтехник ва тармоқлараро ихтисосликда қўлланилиши, тор мутахассисликда ишлатилиши билан боғлиқ изоҳларнинг мукаммаллашуви ва конкретлашувига асос бўлган;

турли лингвистик ва маданий жамиятларда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш концепцияларининг баъзи умумий хусусиятларини бирлаштирганлигини англаш мақсадида Indian Statistical Institute (Ҳиндистон)да бажарилган «Digitization and Documentation of Folk Language Data and Texts in West Bengal» 2013.S23.02.15 рақамли фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Indian Statistical институтининг 2020 йил 3 ноябрдаги 03.10.20-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳадаги таҳлиллар лисоний, социал-маданий ва геоиклим ўзгаришлари бўйича бойиган, турли лингвомаданиятларга хос ибораларини расмийлаштиришга хизмат қилган;

нон маҳсулотлари технологияси терминларининг лингвомаданий хусусиятлари билан боғлиқ хулосалардан ФЗ-201912099- рақамли «Ўзбек фольклорининг ўзбек ва инглиз тилларидаги веб-сайти ва мультимедиа маҳсулотларини яратиш» мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта-маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 24 ноябрдаги 89-03-4914-сон маълумотномаси). Натижада ўзбек фольклорида қўлланган нон маҳсулотлари номлари миллий-маданий изоҳлар билан бойитилган, лексикографик изоҳлари мукаммаллаштирилган;

нон маҳсулотлари технологияси термин ва термин элементларининг лексикографик ва концептуал таҳлиллари ҳамда уларда миллий-маданий хусусиятларнинг акс этишига доир хулосалардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон тарихи» телеканалида эфирга узатилган «Мавзу», «Ўзбекистон» телеканалида эфирга узатилган «Ассалом Ўзбекистон»

кўрсатувлари сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканалининг 2020 йил 05 октябрдаги 02-02-912-сон маълумотномаси). Натижада нон маҳсулотлари технологияси билан боғлиқ термин ва термин элементларнинг лексикографик ва концептуал таҳлиллари, миллий-маданий хусусиятлари кўрсатув ҳамда лавҳа мавзусини ёритишда, фактик асосланишида ҳамда илмий-оммабоп бўлишида муҳим манба бўлиб хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманда, шу жумладан, 2 та республика ва 3 та халқаро конференцияда маъруза кўринишида баён этилган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 13 та илмий иш нашр этилган, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, шундан 5 таси республика, 3 таси хорижий журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 128 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган. Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр қилинган ишлар, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Терминологиянинг назарий асослари**» деб номланган 1-бобида терминологияни комплекс тадқиқ қилиш муаммолари, соҳа терминларининг функционал-семантик хусусиятлари, келиб чиқиш манбалари таҳлил қилинган. Бобнинг 1-бўлимида нон маҳсулотлари технологияси терминологияси инглиз, рус ва ўзбек тилларининг кичик тизимларидан бири ҳисобланиши, умумий тил тизимида хос ономасиологик ва семасиологик хусусиятлари билан ажралиб туриши, специфик денотатив тегишлилигига кўра қатор характерли хусусиятларга эгалиги, бу хусусиятларнинг номинатив ва семасиологик жиҳатларда намоён бўлиши ҳақида фикр юритилган.

Терминологик тизимларни ўрганиш номинация муаммолари билан боғлиқ бўлиб, улар лингвистик тадқиқотларнинг марказий муаммоларидандир. Бу жиҳатдан терминологиянинг асосий объекти тил ҳодисаларини борлиқ билан алоқадорликда кўрсатиш бўлиб, унинг алоҳида бўлакларини танлаш ва яратиш ономасиологиянинг таркибий қисми ҳисобланади. Демак, ҳар қандай ономасиологик йўналишдаги тадқиқот, аввало, номинацион усул ва типларни аниқлашни назарда тутди. Чунки у ёки бу терминологияни ономасиологик

ракурсада кўриб чиқиш номланаётган ҳодисаларнинг ўзаро муносабатдорлиги характерини аниқлашга имкон беради.

Нон маҳсулотлари технологияси терминологияси – тилда аввалдан мавжуд терминологик тизим. Дон маҳсулотларини таом сифатида ишлатиш кам деганда 15 минг йил илгари бошланган, энг қадимги ноннинг ёши эса тўрт минг йилдир. Шу жihatдан соҳа терминларининг адабий тилга яқинлиги нон ва нон маҳсулотлари тайёрлашнинг бевосита истеъмолчига яқинлиги билан изоҳланади.

Асосий терминлар ва таърифлар, шунингдек, нон маҳсулотлари технологияси номенклатураси давлат стандартлари билан расмийлаштирилади. Шу билан бирга, нон маҳсулотлари технологияси терминлари улардан олдин касбга оид сўзларни ўз ичига олган кўплаб расмий терминологик тизимларга киради. Бу сўзлар, «фаолиятнинг қайсидир соҳасида пайдо бўлиб, вақт ўтиши, фан ривожланиши билан терминларга айланган»⁵. Биз эса уларни луғатларда қайд қилинган, нон пиширишга тегишли бўлган сўз бирикмалари гуруҳи, деб биламиз. Бу борада кўп учрайдиган *honey cake, bread, калач, булка, ширмой нон, хўжаёғлиқ* сингари терминларни келтириш мумкин.

Нон маҳсулотлари технологиясининг бир вақтда ҳамма ерда ишлатиладиган термин ва терминэлементлари нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга доир тушунчаларни ифодалайди, бу ҳолатни ҳар уч тилда кузатиш мумкин: *cooling, bakedness, глянецвитость, заварка, елимшаклик, увоқланиш* ва ҳ.к. Уларга яна нон маҳсулотларини атовчи бошқа терминлар ҳам киради ва соҳа терминларининг алоҳида лексик-семантик гуруҳини ташкил қилади: *cracker, bagel, соломка, бублик, дармон нон, қатлама* кабилар.

Умуман, мутахассислик характерини *умумтехник лексика* акс эттиради, уни биз алоҳида компонент сифатида шунинг учун ажратамизки, ҳозирги кунда нон маҳсулотлари, асосан, саноатлашган тарзда тайёрланади. Умумтехник характердаги терминлар фаннинг қадимий ва барқарор асосий терминологик фондига киради. Адабиётларда умумтехник лексиканинг кўп валентлилик ва қоришиқлик хусусиятларига эгаллиги, умумилмий ва маҳсус-техник терминларнинг ўртасида жойлашганлиги айтилади⁶. Шу жihatдан инглиз тилидаги нон маҳсулотлари технологияси терминлари таркибида умумтехник терминлар содда ва мураккаб терминологик компонент сифатида иштирок этади ва асбоб-ускуналар, машиналар деталлари ҳамда механизмларини билдиради. Уларнинг рус тилидаги муқобиллари асосан мураккаб терминологик компонентлардан ташкил топади. Ўзбек тилида эса сўз бирикмаларидан иборат бўлади. Масалан: *dough-maker, flour dispenser, тестоприготовительный агрегат, бункер-тестоспуск, хамир қорувчи машина, хамир узатиш ҳампаси* ва бошқалар.

⁵ Галкина-Федорук Е.М. Современный русский язык. ч.1. Лексикология. – М.: 1962.

⁶ Гилев А. Общенаучные и специальные, термины / Место терминологии в системе современных наук / Тезисы докладов и сообщений. – М., 1970. – С.226-229.

Нон маҳсулотлари технологияси терминологияси доимий равишда табиий фанлар билан алоқадорликда ривожланади ва такомиллашади; биз бундай терминларни тармоқлараро терминлар сифатида тушунамиз. Нон маҳсулотлари технологияси терминологиясида қуйидаги тармоқлараро терминлар мавжуд. Бу ўринда келтириладиган мисоллар рус тили терминлари асосида олинган бўлиб, инглиз ва ўзбек тилларида уларнинг луғатдаги муқобиллари берилган. Масалан: «yeast race» (in anthropology, zoology and botany) – «раса дрожжей» (в антропологии, зоологии и ботанике) – *ачитқи оиласи* (антропология, зоология ва ботаникада); *germination capacity of dough* (in agriculture) – *всхожестъ теста (в сельском хозяйстве)* – *униб чиқиш қобилияти, қанчалик униб чиқиш, унувчанлик (қишлоқ хўжалигида)*; *inhibitor* (in biology) – *ингибитор* (в биологии) – *ингибитор* (биологияда); *fermentation of dough* (in biochemistry) – *брожение теста* (в биохимии) – *хамирнинг бижғиши* (биокимеда) ва ҳ.к.

Тор мутахассислик терминологияси биз таҳлил қилган лексиканинг анчагина қисмини ташкил этади. Биз луғатларда қайд қилинмаган, аммо махсус соҳавий адабиётларда учрайдиган сўзларни тор мутахассислик терминлари деб тушунамиз ва уларни бажараётган вазифаларига қараб, ҳар уч тил мисолида қуйидагича гуруҳлаштирдик:

1) асбоб-ускуналар деталлари (қисмлари) ва механизмларини атовчи терминлар: *equalizer* – *скалка – жўва*; *air duct* – *воздуховод – ҳаво йўли*; *notching cutting machine* – *надрезчик – кесиш машинаси* ва ҳ.к..

2) хомашё ва тайёр маҳсулот хоссаси механизмларини атовчи терминлар (хусусан, маҳсулот камчиликларини ҳам): *hydrophilic behavior* – *гидрофильность* – *сув ютиш қобилияти*; *hydraulic conductivity* – *влагопроводность* – *намлик ўтказувчанлик*; *damp-bakedness* – *сырпеклость* – *чала пишганлик* ва ҳ.к..

3) хамирда ва нонда юз берадиган жараёнларни атовчи терминлар: *disaggregation* – *дезагрегация* – *дезагрегация (алоҳида бўлақларга ажралиш)*; *dextrinization* – *декстринизация* – *декстринизация*; *crumbling* – *растрескивание* – *ёриқлар билан қопланиш* ва ҳ.к.

4) технологик операцияларни атовчи терминлар: *cooling* – *растойка* – *тиндириш*; *pouring* – *залив (воды в тесто)* – *қуйиш (хамирга сув)*; *colouring* – *колеровка* – *ранг бериш* ва ҳ.к.

Рус тилида сўз ясовчи қўшимчалар билан термин яшаш – терминологияни шакллантиришнинг фаол, анъанавий ва доимий манбаи. Масалан: *выстойка пряников, гляцевитость корки, хлебохранилище, тестоприготовление, полуквас, надрезчик* ва ҳ.к. Аммо бундай сўз яшаш инглиз ва ўзбек тилларида деярли учрамайди. Рус тилидаги мисолларни инглиз ва ўзбек тиллари билан қиёслаганда қуйидаги ҳолат кузатилади: *cooling of cake* – *пряникни тиндириш*; *glossiness of bread crust* – *нон жилдининг жиллолиги*; *bread storage* – *нонни сақлаш*; *dough preparation* – *хамир тайёрлаш*; *half-kvass* – *ярим квас*; *notching cutting machine* – *енгил кесиш машинаси* ва ҳ.к.

Нон маҳсулотлари технологияси терминологиясида қуйидаги сўзлар келиб чиқишидан терминлаштирилган ҳисобланади. Инглизча «straws» термини рус

тилида «соломка», ўзбек тилида *нон қаламчалари* дейилади. Инглиз тилидаги «replenishment» (leaven) термини рус тилидаги «освежение» (закваски) терминининг мазмунига тўғри келади. Ўзбек тилида эса, терминлик хусусиятини йўқотиб, *хамиртурушни тетиклантириш* учун *озиқлантириш* жараёнини ифодалайди. Терминлаштирилган сўзлар нон маҳсулотлари технологияси лексикасининг турли функционал гуруҳларига ва компонентларига, умумтехникавий, асл ихтисослик ва тармоқлараро лексикага киради.

Нон маҳсулотлари технологияси терминологиясини мотивлашмаган ва қисман мотивлашган шаклли терминларга ажратиш лозим. Мотивлашмаган терминлар оз, бироқ уларнинг семантик структурасидан ишлаб чиқаришнинг асосий тушунчалари англашилади: *bread – хлеб – нон, flour – мука – ун, yeast – дрожжи – хамиртуруш, dough – тесто – хамир*. Бу терминлар аввалдан кўлланиб келади ва шаклланиши этимологик таҳлиллар орқали аниқланади.

В.И. Кодуховнинг қайд қилишича, «сўзнинг эсдан чиқарилган ички шакли унга махсус эътибор қаратилганда... қайта жонланиши мумкин»⁷. Нон маҳсулотлари технологияси терминологиясида мотивлашмаган ва мотивлашган терминлар орасида ўрта мавқени эгалловчи терминлар ҳам мавжуд ва уларда ички шаклнинг тўлиқ йўқотилмаганлиги кузатилади. Масалан, рус тилида «пряник» ва «ситный» каби сўзларда ички шакл кўзга ташланади. «Пряник» сўзининг махсус адабиётлардаги таърифини кўриб ўтамиз: «Пряники – мучные кондитерские изделия, содержащие значительное количество сахаристых веществ и различные пряности»⁸. Демак, пряник пишириш пайтида хамирга зираворлар кўшилганлиги сабабли шундай деб номланган. Ички шаклни аниқлашга луғат изоҳи ҳам йўналтиради: «Мучное кондитерское изделие в виде толстой лепешки на меду, сахаре или патоке с добавлением каких-либо пряностей»⁹.

Бундай ҳолат «ситный» сўзида ҳам кузатилади, унинг луғавий шарҳларида асословчи компонентлар кўриниб туради: «Ситный – просеянный сквозь сито»¹⁰. Кейинги сўз муқобилсиз ҳисобланади, бу ички шаклнинг йўқотилганлигидан далолат беради. Манбаларда у транслитерация орқали «хлеб ситный» деб берилади¹¹.

Ўзбек тилида *дармон нон* термини мавжуд бўлиб, у *қуритилган оқсил, нўхот* унидан тайёрланади. Дармон нон киши саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилгани учун шундай аталган. Шунингдек, *тўй нони* терминидаги ички шакл унинг кўй ёғи, кунжут сепилиб тайёрланишини ифодаласа, *қатлама* терминидаги ички шакл хамирни қават-қават қилиб тайёрланганлигида

⁷ Кодухов В.И. Введение в языкознание: Учебник для педагогических институтов. – М.: Просвещение, 1979.

⁸ Зверева Л.Ф., Немцова З.С., Волкова Н.П. Технология и технологический контроль хлебопекарного производства. – М.: Легкая промышленность, 1983.

⁹ Словарь русского языка. в 4-х томах / Гл. ред. А.П.Евгеньева. 2-е изд., испр. и доп. – М.: Русский язык, 1981-1984.

¹⁰ Новые слова и значения: Словарь-справочник по материалам прессы и литературы 70-х годов / Под ред. Н.З.Котеловой. – М.: Русский язык, 1984.

¹¹ Хлеб и хлебобулочные изделия. Изд. официальное. – М.: Изд-во стандартов, 1969.

кузатилади. Демак, этимологик луғатлар изоҳлари, мақоллар ёки фразеологизмлар жалб қилинса, терминнинг ички шаклини илғаш, англаш мумкин. Бунинг натижасида ном асосига қўйилган белги фаҳмланади, лисоний бирликнинг лексик-семантик алоқалари ойдинлашади.

Соҳа терминларининг бойиш манбаларига тўхталганда, содда тилда қўлланадиган сўз ва иборани сўзлашув тилидаги сўз ва иборадан фарқлаш лозим. Содда тил бирликлари «умуман олганда, фақат адабий тилга эмас, балки адабий тилда сўзлашувчи кишиларнинг мулоқоти бўлган сўзлашув тилига ҳам зид келади»¹². Ҳақиқатан ҳам, рус тилида «закал», «оправка», «мешалка», «обжарка» терминларигина луғатларда «*прост.*» пометасига эга бўлади. Ўзбек тилида *оби нон, қоқ нон, чапчап нон, шаппати нон* сўз бирикмалари содда тилда қўлланиладиган сўз, ибора белгисига эга. Инглиз тилида эса бундай ҳолат кузатилмади.

Маълумки, лексика айрим туркумларининг, шу жумладан, терминология интернационаллашувининг русча ёки юнонча-лотинча морфемалардан ёки фақат юнон ва лотин элементларидан тузилган номлар ҳисобланади. Бу таркибига интернационал морфемалар ёрдамида ҳосил қилинган қуйидаги терминлар кирадиган нон маҳсулотлари технологияси терминологиясига ҳам тўлиқ даражада тегишли: *агрегат, альбумин, глобулин, активатор, дозатор, ингибитор, релаксация, дефростация, ретроградация, микрофлора, протеин* ва бошқалар.

Айрим терминларда халқаро терминэлементларнинг аралаш бирикмалари кузатилади: *автомуковоз – ун ташувчи машина, автомукомер – автоматик ун ўлчагич* ва бошқалар.

Нон маҳсулотлари технологияси терминологиясидаги ўзлашма терминларга қуйидагилар киради: «галета» (французча *galette*дан); «шибер» – (немисча *Schieber*дан, асбоб ускуна механизмини англатади); «хала» (қадимги яҳудийча *hallā* – нон демақдир); «клейстер» (немисча *Kleister*дан); «бисквит» (французча *bisquit*дан).

Диссертациянинг «**Инглиз, рус ва ўзбек тилларида нон маҳсулотлари технологияси терминологиясида мотивлашганлик**» деб номланган 2-бобида терминларнинг миллий-маданий хосланганлиги, семантик-синтактик мотивлашганлиги, маъно торайиши ва кенгайиши, метафорик ва метонимик кўчимлари, синонимия, антонимия, омонимия ҳодисалари ўрганилди.

Соҳа терминларининг лингвомаданий хусусиятлари шу тиллар эгаларига хос оламнинг лисоний манзараси билан боғлиқ, чунки инглиз, рус ва ўзбек халқлари ўзларигагина хос оламнинг концептуал ва лисоний манзараларидаги тасаввурлар асосида нон маҳсулотлари технологиясига доир тушунчаларни атаганлар. Масалан, қадимги британияликлар йигит ва қиз нонни бир бўлакдан тасодифан тишлаб олишса, албатта, ўзларини никоҳ ришталари билан боғлашади, деб ишонган. Славян маданиятида ҳам нон зиёфатнинг ажралмас қисми, ҳамма нарсанинг боши ҳисобланади. Агар тушлик фақат нон бўлса ҳам,

¹² Капаназе Л.А. Современное городское просторечие и литературный язык / Городское просторечие: проблемы изучения. – М., 1984. – С.10.

тўйиш кафолатланган, дейилади. Ун маҳсулотларини муайян термин билан аташда, асосан, пиширилаётган маҳсулотнинг шаклига диққат қаратилади. Масалан, *шоҳ* шаклидаги булка рус тилида *рогалик* деб аталади (французча *croissant* ҳам ўз асосида худди шундай белгига эга). Рус тилининг турли шеваларида унинг «рогаль» – калач, шохсимон кулча, «рогач» – толқонли хамирнинг четлари қайрилган бўлаги, «рогуля» – калачнинг, шохли ўрама нонларнинг тури; четларидан шохчалар билан қисиб қўйилган ватрушка (сузмали парамач)», шунингдек, «рогуша», «рогулька» – четларида шохчалари бор ватрушка (сузмали парамач)» каби терминлари мавжуд¹³.

Рус лингвомаданиятида печенье ва пишириклар турларини атовчи баъзи терминлар кундалик ҳаётда учрайдиган предметларга ўхшатиш билан ясалган. Бу хилдаги терминларнинг ясалиш тарзида метафорик кўчириш ётади. Чунончи, руслар кўринишидан ўрилган сочни эслатадиган нонни «плетенки» термини билан атайдилар.

Ўзбек лингвомаданиятида ҳам нон ҳақида жуда кўплаб тил бирликлари яратилган. Чунки аҳли дониш айтганидек, башарият тарихи бир бурда нондан, унинг атрофидаги саргардонликдан бошланади. Масалан, ўзбек халқи маданиятида ноннинг бурдаси, ҳатто ушоғини ерда кўриб қолганда, уни «увол» деб дарҳол ердан олиб ўпиб, кўзга суртиш, сўнгра оёқ остидан бирор четга, масалан, деворнинг ковагига солиб қўйишдек миллий урф-одат шаклланди. Нон хор қилинган ҳолатларда ёши улуг кишилар «ноннинг ушоғи ҳам нон, уни босган нонкўр бўлади», дея ёшларга танбеҳ берадилар. Барча халқларнинг мақол ва маталларида, эртак ва афсоналарида бу маҳсулотга эҳтиром бор. Ана шундай тассавурлар ҳар уч тилдаги соҳа терминларининг миллий-маданий жиҳатларини таркиб топтиради.

Маънонинг торайиши терминлар юзага келишининг энг самарали усуллари билан биридир. Соҳа терминологиясида айна йўл билан ҳосил қилинган терминлар мавжуд. Уларнинг айримлари бошқа терминологик тизимларда ҳам қўлланади. Масалан, рус тилида: «маточник» (асаларичиликда – она асалари уяси; ботаникада – туп, пархиш қилинган (қилинадиган) туп, тугунча; қишлоқ хўжалигида – урғочи моллар боқилнадиган молхона). Нон маҳсулотлари технологияси терминологиясида ушбу термин ошириш, кўпчитиш, ивитиш учун мўлжалланган умумтехник сўзлар: *viscosity* – *вязкость* – *ёпишиқоқлик*, *елимшаклик*, *қовушоқлик*; *ash content* – *зольность* – *кулдорлик*; *plasticity* – *пластичность* – *чўзилувчанлик*, *қайишиқоқлик* ва бошқалар. Бу нон маҳсулотлари технологиясига оид терминлар луғатларда қайси соҳага оидлигини билдирувчи пометалар билан кўрсатилади.

Маънонинг торайиши билан ҳосил қилинган терминларни: 1) айрим нон маҳсулотларининг номлари: *витушка* – *бурама*, *плетенка* – *ўрама нон* (*булочная плетенка* – *ўрама оқ булка*), *слоёный* – *қатлама нон* каби; 2) ишлаб чиқариш жараёнлари ва технологик операциялар номлари: *maturation* – *созревание* (*полуфабрикатов*) – (*ярим тайёр маҳсулотларнинг*) *пишиши*,

¹³ Даль В. Толковый словарь живого великорусского языка. в 4-х томах. – М.: Гос. изд-во иностранных и национальных словарей, 1955.

етилиши; dehydration – обезвоживание – сувини (намини) қочирши; sprinkle – обсыпка – сепиши; cutting – надрезка – енгил кесиши; seeding – посадка – қўндирши (ёпиш) тарзида мавзуй гуруҳлаш ҳам мумкин.

Нон маҳсулотлари технологиясидаги маълум миқдор терминлар хомашё ва тайёр маҳсулотларнинг ички хусусиятларини ифодалайди: *fluidity (of dough) – текучесть (теста) – хамирнинг оқувчанлиги, (суюлиб) оқиб кетиши хусусияти; viscosity (of dough) – вязкость (теста) – ёпишқоқлик, елимшақлик, қовушоқлик; plasticity – пластичность – эгилувчанлик, чўзилувчанлик, қайишқоқлик; germination capacity – всхожесть – униб чиқиши қобилияти, унувчанлик; ash content – зольность – кулдорлик.*

Нон маҳсулотлари технологияси терминларининг вазифасига кўра номланиши асбоб-ускуналарнинг айрим номларида кузатилади: рус тилидаги «накопитель», инглиз тилидаги «feeder», ўзбек тилидаги *таъминловчи* сўзлари дастлаб шахсни ифодалаган, асбоб-ускуналарнинг номлари эса вазифавий бир хиллик асосида кўчириш натижасида пайдо бўлган. Демак, тегишли сўзларнинг семантик структураси кенгайиши билан нон маҳсулотлари технологиясига доир терминлар юзага келган.

Анъанавий талқинларга мувофиқ, метафорада битта нарса-ҳодиса бошқасига ўхшатилади, муайян нарса-ҳодисанинг номи уларнинг (шакли, ташқи кўриниши, ҳаракат-ҳолати бўйича) ўхшашлиги асосида ўша ёки бошқа предметга ёки бўлмаса ҳодисага кўчирилади. Лингвистик адабиётларда қайд қилинишича, «иккиламчи қайта номлаш жараёнида сўзнинг семавий структураси чегаралар билан чекланган (дифференциал ва потенциал семалар), шунингдек, унинг лексикографик таърифидан четга чиқадиган семалар билан боғлиқ бўлиши мумкин»¹⁴. Бунга нон маҳсулотлари технологияси терминологиясида инглиз, рус ва ўзбек тилларида бир хил маъноли метафорик кўчимга эга терминлар мавжудлиги кузатилди. Масалан: *immaturity – моложавость (теста) – етилмаганлик (кўпчимаганлик) – хамирнинг ошиши учун етарли вақт миқдори берилмаганлиги сабабли келиб чиққан камчилик, хамирни тезлаштиришда кузатиладиган сифат хизмат қилиши мумкин.* «Рус тилининг изоҳли луғати»да «моложавый» сўзи «имеющий внешность молодого, кажущийся моложе своих лет» тарзида шарҳланган. Ўзбек ва инглиз тилларида эса «балоғат ёшига етмаганлик, етилмаганлик» маъносини билдиради. Кўриб турибмизки, терминда сўзнинг лексикографик таърифига кирмаган сема фаоллаштирилган, айти фаоллаштирилган сема унинг терминлик касб этишини таъминлаган, яъни лисоний бирликка термин руҳини берган.

«Тил номинацияси»¹⁵ монографияси муаллифларининг таснифига амал қилиб, нон маҳсулотлари технологияси терминологиясида образли-сайқалланган ва экспрессив-образли метафорик терминларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Бундай жиҳатларга, биринчи галда, тўла мос тушадиганлари

¹⁴ Языковая номинация: виды наименований. кн. II. – М.: Наука, 1977; Шмелев Д.Н, Современный русский язык. Лексика. – М.: Просвещение, 1977.

¹⁵ Языковая номинация: виды наименований. кн. II. – М.: Наука, 1977.

умумтехник, умумқўлланишдаги терминлар ҳисобланади: инглиз тилидаги «unit» (of making bread soak), рус тилидаги «сборник» (для выброженной опары) ва ўзбек тилидаги *қовурга* сўзлари аниқ метафорик кўчимни намоён этмоқда. Мазкур терминлар умумилмий ва умумтехник лексикага доир ўқув луғатларида қайд қилинган¹⁶, уларнинг терминологик маънолари эса луғатларда кўрсатилган. А.Н.Васильева бундай турдаги терминларни «деметафоризациялашган метафораларга» киритиш мумкин, дейди¹⁷.

Образлилик ёки образли тафаккурнинг турли кўринишлари, даражалари нон маҳсулотлари технологияси терминологиясида ҳам кузатилади, қўлланилади. Бу, биринчи навбатда, ассортимент номлар гуруҳига тегишли нарса-предметлар билан ўхшашлик асосида ассоциация натижасида ҳосил қилинган терминларга тегишлидир. Қуйида мазкур гуруҳга тааллуқли инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги нон маҳсулотлари технологияси терминларининг содда ва қўшма тузилишли турларига бир қатор мисоллар келтирилади ва қиёсланади: *stick biscuit(s), envelope, подковка (подковаобразный), розанчик, конверт, соломка, доктор нон, хўжаёғлиқ, коинот*. Дикқат қилинса, мазкур терминларнинг семантик структурасида метафорик маъно таракқиёти, маъно кўчиши кузатилади.

Тадқиқотчиларнинг қайд қилишича, умумқўлланишдаги терминлар вазифасида тил эгаларига ҳар тарафлама маълум, тушунарли бўлган сўзлар ишлатилади¹⁸. Масалан, инглиз, рус ва ўзбек тилларида инсон тана аъзоларини ифодаловчи: *ребро, қобирга, пальцы*; кийимларнинг қисмларини англатувчи: *kozyрек, каллак*; турли рўзғор буюмлари билдирувчи: *swinging shelf, люлька, беланчак, envelop, конверт; wall, стенка, девор* (усқунанинг) каби сўзлар етарли даражада образли метафорик кўчиришни намоён этган.

Чоғиштирилаётган тилларда нон маҳсулотлари технологияси терминологиясида номинациянинг бу турларига қуйидаги терминлар киради: инглиз тилида – *drying-up, brewing, leaven, drying, oven loss /baking loss*; рус тилида – *усушка, слойка, заварка, закваска, смазка, сушка, упек*; ўзбек тилида – *совуб қуриши, қат, дамлаш, қуришиши, пишишидаги йўқотиши* терминлари етарли даражада метонимик кўчимни кўрсатмоқда. Чоғиштирилаётган тилларда келтирилган охириги сўзларнинг терминологик маъноси, гарчи бу кўпчилик ҳолларда мавжуд бўлса ҳам, луғатларда акс этмаган.

Тадқиқ қилинаётган соҳа терминларидан олинган мисоллар «терминнинг семантик структурасида турли категориялар бирикадиган полисемиянинг алоҳида кўриниши» мавжудлиги ҳақидаги фикрни тасдиқлайди¹⁹. Масалан, рус тилидаги «сдоба», ўзбек тилидаги *ширмай* терминларининг маъноларида метонимик кўчириш «материал» – «материалдан маҳсулот» тарзида кечган. Бу

¹⁶ Айходжаева Н.К., Джахангирова Г.З. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси: Ўқув қўлланма. – Тошкент: Noshir, 2013.

¹⁷ Васильева А.Н. Курс лекций по стилистике русского языка: Научный стиль речи. – М.: Русский язык, 1976.

¹⁸ Кутарева Л.В. Лексико-семантический способ образования научно-технических терминов // Вопросы общего и славянского языкознания. – Днепропетровск, 1976. – С.124-129.

¹⁹ Чупилина Е.И. Место термина в лексико-семантической системе языка // Вопросы терминологии и лингвистической, статистики. – Воронеж: 1972. – С.26.

терминлар иккала маъносида ҳам нон маҳсулотлари технологияси терминологиясида қўлланилади. Ушбу терминлар билан хамирга қўшиладиган ёғ, ширинликнинг маълум миқдори белгиланади.

Тадқиқотнинг «Синтактик мотивлашган терминлар» деб номланган бўлимида чоғиштирилаётган тиллардаги нон маҳсулотлари технологияси терминологиясида салмоқли миқдордаги бир, икки, уч, тўрт ва ундан ортик таркибли терминлар тадқиқ қилинган ва уларнинг статистик таҳлили келтирилган.

Инглиз тилидаги таркибли терминларнинг структур ўзига хос хусусиятларини характерлаб, қайд этиш керакки, бошқа терминологияларда бўлгани каби нон маҳсулотлари технологияси терминологиясида ҳам **N+N** (от+от) ва **O+O₂** (от+қаратқич келишикдаги от) моделлари асосида ҳосил қилинган бирикма терминлар кўп учрайди.

Нон маҳсулотлари технологияси терминологиясида энг сермаҳсул модел инглиз тилида **N+N**, рус ва ўзбек тилларида эса **O+O** (от+от) ҳисобланади. Шуниси диққатга сазоворки, инглиз тилидаги нон маҳсулотлари технологияси терминларини рус тилида **C+O** ва ўзбек тилидаги муқобилларининг структурал моделлари **O+C** кўринишида бўлади. Масалан, *bakery production* – *хлебопекарное производство* – нон ишлаб чиқариш; *alcohol fermentation* – *спиртовое брожение* – спиртда ачитиш (кўпчитиш); *bread soak* – *хлебная мочка* – нонни ивитиш; *dry sour* – *сухая закваска* – қуруқ ачитқи.

Шу билан бир қаторда, инглиз тилида **N+Gerund+N** моделидаги бирикма терминлар ҳам бор: *dough dividing machine* – *тестоделительная машина* – хамирни бўлаклайдиган машина; *baking test* – *пробная выпечка* – намунага нон ёпиб кўриш каби.

Тадқиқ қилинаётган тилларда **Participle+N** моделидаги бирикма терминлар ҳам мавжуд. Масалан: *sheeted dough* – *тестовый блин* – ёйилган хамир; *dried bread crumbs* – *сухарная крошка* – қурутилган нон ушоқлари ва бошқалар.

Инглиз тилидаги **N+N+N** моделининг муқобили сифатида ҳар уч тилда **C+C+O** (сифат+сифатдош+от) моделини кўрсатиш мумкин: *liquid salt phase* – *жидкая соленая фаза* – суюқ тузли фаза; *liquid oxidative phase* – *жидкая окислительная фаза* – суюқ оксидланувчи фаза каби.

Инглиз тилидаги нон маҳсулотлари технологияси терминологиясида **N+of+N** моделида термин компонентлар қаратқич келишиги орқали бирикса, рус ва ўзбек тилларидаги **O+O₂** (от+тушум ёки қаратқич келишигидаги от) моделида бўлади ва бундай таркибли терминлар кўп. Улар, асосан, нон пиширишдаги иш-ҳаракат ва жараёнларни, шунингдек, хомашёнинг ҳамда тайёр маҳсулот хусусиятини билдиради. Масалан: *activation of yeast* – *активация дрожжей* – хамиртурушни фаоллаштириш; *cracking of rusks* – *растрескивание сухаря* – нон сиртининг ёрилиши; *immaturity of dough* – *размолочение теста* – хамирнинг етилмаганлиги; *fluidity of serum* – *текучесть сыворотки* – зардобнинг оқувчанлиги каби. Ўзбек тилида бошқарув ва мослашув усули билан айна бирикма терминларнинг ҳосил бўлиши уларнинг жараён маъносини англагани туфайлидир. Агар ушбу бирикма терминлар

бошқарув йўли билан ҳосил қилинса, соҳавий тушунчадаги жараён , иш-ҳаракат семаси хиралашади.

Таъкидлаш лозимки, айрим ҳолларда инглиз тилида терминлар **Gerund+of+N** модели орқали ҳосил бўлишини кузатдик: *loosening of dough* – *разрыхление теста* – *хамирнинг зовакланиши* (кўпчиши); *fermenting out of dough* – *выброженность теста* – *хамирнинг ошганлиги* (кўпчиганлиги) ва бошқалар.

